



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 26 июнь, №132 (3244)

Пайшанба

Олий Мажлисида



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иқтисодий ва тadbиркорлик қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Уни маъруза қўйиш раиси М.Умаралиев олиб борди.

Бошқаришнинг эскирган усули

ундан воз кечиш вақти келмадимиз?

Вилоятда 234 та очилган ва 16 та ёпиқ акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Уларда юқоридаги қонун ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилишлари қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида ўтказилмоқда. Кузатув кенгашлари ва ижроия орган раҳбарлари ўзларига берилган вазифалар доирасида фаолият юритмоқдалар.

Акциядорлар қонунда белгиланган ҳуқуқларини қўйишнинг кўриб чиқилиши билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини аниқлади.

Акциядорларнинг ҳуқуқларини тарғиб қилишга доир амалга оширилган тадбирлар натижасида акциядорлардан биргина давлат

мулкчи бошқармасига 2002 йил давомида ўн иккита, 2003 йилнинг 4 ойи мобайнида бешта ариза ва шикоят келиб тушган. Уларни ўрганиш натижаларига кўра, учта ариза акциядорларнинг ҳуқуқларини тиклаш учун суд органларига юборилган ва қолган аризалар юзасидан вилоят бошқармаси томонидан чоралар кўрилиб, акциядорларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Акциядорларга дивидендларини кеч тўлаш ёки умуман тўламаслик ҳолатлари юзасидан аризалар бор. Айрим акциядорлик жамиятларида тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш бўйича Қонуннинг 110-моддаси талабига биноан «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилмаганлиги оқибатда бу соҳа фаолияти тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида аудитория тегишли рақамларни ўтказган аудиторияга тўланадиган ҳақ миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланма-

ган. Вилоятдаги баъзи акциядорлик жамиятларига юқори ташкилот вакиллари томонидан ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат этиш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Ишчи гуруҳи Наманган вилоятида айрим акциядорлик жамиятлари раҳбарларини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига амал қилмасдан, бошқаришнинг эскирган усулидан воз кеча олмаётганларнинг гувоҳи бўлдилар. Айрим раҳбарлар акциядорларнинг қонун томонидан кафолатланган ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб, уларнинг жамият бошқарувида иштирок этиш ва бошқариш жараёнида бевосита қатнашишда маҳрум қилмоқдалар.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Қўрилган масала юзасидан қўмита тегишли қарор қабул қилди.

Б.ЭГАМҚУЛОВ.

БИЗНЕС КУРСИ БИТИРУВЧИЛАРИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Замон ЭШОНҚУЛОВ).

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида «Профессионал менеджмент дастури» бизнес курсини битирган тингловчиларга сertiфикатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.


Маросимда Ўзбекистон билан Япония ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йилда Кунҷиқар юртва ташрифи чоғида имзоланган ҳамкорлик муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур курсда ўз соҳаси бўйича муайян тажрибага эга бўлган, хорижий тилларни яхши биладиган йигирмага яқин олий маълумотли ёш иқтисодчи беш ой давомда иқтисод, бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ ўн тўрт йўналиш бўйича билим ва маълумот олиб боришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

Италия тилини ўрганаётган магистрантлар эса ўз диссертацияларини шу тилда ёзиб, ҳимоя қилдилар. Мухим янгилик яна шундаки, магистратура битирувчилари ҳар иккала университетнинг қўшма дипломига эга бўладилар.

Италия тилини ўрганаётган магистрантлар эса ўз диссертацияларини шу тилда ёзиб, ҳимоя қилдилар. Мухим янгилик яна шундаки, магистратура битирувчилари ҳар иккала университетнинг қўшма дипломига эга бўладилар.



Миришкор

Бувайда туманидаги «Доимобод» ширкат хўжалигида Абдуғаффор Мирзаевни яхши билишди. Сабоби, у узоқ йиллардан бунён сувчилик касбини ардоқлаб келмоқда. У меҳнат қилаётган Қўйриқ Мирзаев бошиқ бригада деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтариш мақсадида ўза парваришига катта эътибор беришди. Айни кунларда бир текис ўзла кирган ўзалар барваж ривожланмоқда.

СУРАТДА: илгор сувчи Абдуғаффор Мирзаев қадрдон далада.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Диссертация

Халқаро ҳамкорлик

Ҳимояси италиян тилида

Италиянинг Болония университети маънавий бойликларини сақлаш ва қайта тиклаш факультети шу соҳа бўйича мутахассислар ташкили Европадаги ягона ўқув маркази ҳисобланади. Бу борада орттирилатган бой тажрибаларни амаиётда қўлланадиган йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам қатор тадбирларни белгиланди.

Жумладан, Самарқанд давлат университетиде қўшма магистратура таълими ташкил этилиб, бу ерда архитектура, музейшунослик, маънавийлик мутахассислари бўйича ўқув машғулотлари йўлга қўйилди.

Улар Америкада ўқишади

Американинг халқаро таълим бўйича кенгаши томонидан ўзбекистондан танловда Ўзбекистонлик толиб илмлар ҳам фаол қатнашмоқда. Бу йилги билимлар синовида ҳам бир неча иқтидорли ёшлар танлов соҳиб бўлди.

Иқтисодий йўналиш бўйича Тошкентдаги 160-мактабнинг юқори синф ўқувчиси Доно Ғозиева билим ва иқтидорини муваффақиятли намойиш этди. Мана энди у ёруғ юз билан АКШга бориб, ўқишнинг давом эттириш тартибларини кўрмоқда. Зеро, ушбу намунали билим даргоҳининг бир неча иқтидорли ўқувчилари ҳозир Англия, Исроил, Россия каби мамлакатларда тахсил олиб, даврийнинг билими кишилари бўлиб вожа кетмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

Қарор ва ижро

Пахта толаси ишлаб чиқариш ва сотишда бозор принциплари ва механизмларини кенг қўллаш, пахта толасининг республика бозориде рақобат муҳитини яратиш, етиштирилган пахта ва пахта маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий равишда қабул қилинган шакллари ва тизимларини жорий этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу қарорда пахта толасини хорижий компания ва фирмаларга «Узуқуқлик савдо» орқали «Кимощди» савдоси асосида эркин муомалададаги валютага сотиш алоҳида таъкидланган. Мухбиримизнинг республика Товар-хонашў бижраси бошқаруви раиси Н.С. САМАТОВ билан мулоқотда шу хусусда гап боради.

ПАХТА ТОЛАСИ: БИРЖАДА У ҚАНДАЙ СОТИЛАДИ?

— Набихон Субихонович, маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, республика ички истеъмолчилари пахта толасини ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси аукцион савдосида сотиб олинади. Бу ҳол ушбу эътибор билан бир вақтда қандайдир келишувлар, «кабинет битимлари»ни тузиш ҳақидаги миш-мишларга ўрин қолдирмайди?

— Асло ундай эмас. Биржа савдо ташкилоти ҳам, вазирларнинг қарорига мувофиқ, республика ички истеъмолчилари пахта толасини ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси аукцион савдосида сотиб олинади. Бу ҳол ушбу эътибор билан бир вақтда қандайдир келишувлар, «кабинет битимлари»ни тузиш ҳақидаги миш-мишларга ўрин қолдирмайди.

— Газетчиларимизнинг пахта толасини аукционда сотиш механизми билан қисқача таништириб ўтмайми?

— Аввало, шунини таъкидлаш

керакки, ҳукумат томонидан бундай қарорнинг қабул қилиниши республикамизда иқтисодий эркинлаштириш бўйича ислохотларни амалга оширишда муҳим воқеа бўлди.

Пахта толасининг аукцион савдоси механизми ҳақида, иштирокчилар вазифаси ва ҳуқуқлари тўғрисида вақтинчалик тартиб лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳага кўра, аукционда пахта толасини республика ҳудудиде қайта ишлаш учун фойдаланувчи корхоналарнинг иштироки кўзда тутилган. Аукционнинг ўтказиш давомийлиги (ойига камиде бир марта), шунингдек, ўтказишнинг кўчи белгиланган. «Узлақтасаноат» уюшмасининг худудий акционерлик бирлашмалари томонидан пахта толасини савдога қўйиш тартиби ҳам баътафсил баён этилган. Бошқача айтганда, аукционнинг ўтказишдан 30 кун олдин савдога қўйилган сифат параметрлари курсатилган ҳолда маълум қилинади. Айни пайтда толанинг жаҳон бозоридеги конъюратураси каби омишлар ҳам ҳисобга олинган. Чунки харидорларга айнан шу конъюратура савдонинг бошланғич баҳоси бўлиб хизмат қилади. Белгиланган аукционнинг ўтказиш, унда харидорнинг иштироки этиш учун ариза тақдим этиш шартлари ҳақидаги маълумотлар билан эса интернетнинг УЭРТСБ саҳифаси орқали танишиш мумкин.

— Енгил саноат корхоналари пахта толасини ўзлари тириштириш механизмининг ўзлари республика иқтисодиётига қандай наф келтиради? Гап фақат шакл ўзгарини устида кетмайми?

— Гап асосан савдо механизмининг номин эмас, балки моҳиятини ўзгартириш ҳақида борапти. Ҳар қандай корхона, мулкчилик шакли, катта-кичиклиги, қарера жойлашганидан қатъи назар, пахта толасини бир хил шартлар асосида оғиқ аукцион савдода сотиб олади. Ниҳоят, корхоналар моддий-техника таъминоти борасида ассоциация, концерн ва ҳоказоларга бог-

лиқликдан қутуладилар. Яъни корхоналарнинг мустақиллик даражаси ошади, юқори органларнинг улар ишига аралашуви камаяди.

Шу ўринда яна иккита омиш тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Биринчиси — енгил саноат корхоналари бозор шароитида ишлашнинг қўшимча кўникмасига эга бўлади. Бу эса уларнинг иқтисодиётда ўз мавқенини мустаҳкамлаш, бозорларни мизла хорижий рақобатчи корхоналар маҳсулотларига ўхшаш моллар тўлиб кетганда, миллий валютанинг конвертация қилинадиган вақтда таёйрланиш имконини беради. Иккинчиси, ҳозирда жаҳон, шунингдек, Ўзбек пахтасининг нархи хорижий биржалар котировкаси натижаларига кўра белгиланади. Хонашўнинг экспорт қилиш (Ўзбекистон бу борада иккинчи ўринда туради) нархи хорижий трейдерлар томонидан ўтказиладиган биржа ўйинларидан келиб чиқиб белгиланганда, тескари ҳолат юзага келади. Фикримизча, пахтани аукцион орқали сотиш республика раҳбариятининг товар бозорларини эркинлаштириш ва корхоналар моддий-техника таъминотининг бозор механизминини жорий этиш ҳамда улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш юзасидан олиб бораётган кенг қамровли сиёсийнинг навбатдаги босқичларидан биридир. Пахтани Ўзбек биржасида айланма ҳаракатда жорий этиш натижасида нархларнинг миллий котировкаси юритилади. Бу эса жаҳондаги пахта нархига аста-секин таъсир қўрилади. Шу билан бирга, пахтанинг биржа орқали сотилиши келажакда фьючерс шартномалари савдоси, маҳсулотларнинг жежириш(сотуви) ва харидорларнинг биржа савдосида иштирок этиш орқали нархнинг ўзгариши туфайли юзага келган ноқулай шароитдан суурта қилдириш механизмининг жорий этиш имконини ҳам беради.

«Халқ сўзи» мухбири Сандолм ҲАЙДАРОВ сўхбатлашди.



Қоғозда қолган... терактлар

«Халқ сўзи»нинг 2003 йил 15 март сониде чоп этилган «Қоғозда қолган... терактлар» мақоласида долзарб масала кўтарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги «Саноат тарқилишини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғоч-тош дархаздорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори республикада ёғоч маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ва жойларда экологик муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган. Уттан дарв ичиде ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли ўрмон хўжаликлари томонидан 4000 гектардан ортиқ янги териктор ва бошқа тез ўсувчи ёғоч-тош дархаздорлар барпо этилиб, бу борадаги

Обод маҳалла — бизнинг маҳалла

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

«Обод маҳалла йили» дастури қандай бажарилмоқда? Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши сессиясида ушбу саволга жавоб изланди

Кейинги йилларда маҳаллалар ҳаёти тубдан ўзгарди, фаолият доираси кенгайди. Эндиликда унинг мазмун-моҳиятини, афзаллик жиҳатларини тушуниб етмаган киши йўқ. «Обод маҳалла йили» Дастурида эса ушбу тузилманинг қиёфасини янада гўзаллаштириш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, моддий базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, тиббий хизматни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш каби муҳим масалалар қамраб олиндики, улар ватан ичра ватаниннг ҳаётимиздаги юксак ўрнини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мана, йилимизнинг ярми ортда қолди. Мазкур дастурнинг ижроси қай даражада таъминланди? Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кенгаши раиси М.Ибрагимова маърузасида таъкидландики, дастурнинг бажарилишини таъминлаш бўйича вилоят ҳокимлиги тадбирларига ҳамма нарса кўзда тутилган. Дастур доирасида амалга оширилган ишлар кўламини кенг. Унлаб бунёдкорликларга, янгиликларга қўл урилди. Аммо олдинда турган вазифалар ундан ҳам кўп.

Айтилдики, баъзи туманларда дастурнинг бажарилишига шунчаки иш деб қаралмоқда. Ойма-ой, чоракма-чорак тахлил этилиб, юзага келган ҳолатга ҳақиқий баҳо берилмаяпти.

Ишсизлик муаммосида, аҳолининг ижтимоий муҳофазасида ўзибўларчиликка йўл қўйиш ҳоллари мавжуд. Ҳуқуқ тартибот идораларининг туман, шаҳар бўлимларида аниқ амалий дастурлар қабул қилинмаган. Ҳуқуқий билимдонликни оширишга қаратилган тадбирлар кам ўтказиллапти. Қонимех, Нурота, Навоий туманлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролик базаси ёмон аҳволда. Билан эскирган, хоналар етишмайди. Ҳалигача 42 та милиция таъин пункти маҳалла биносига қўйрилган эмас. Болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ шарт-шароитларни яратишга жиҳдий эътибор қаратилмапти.

Сессияда вилоят ҳокими Б.Рўзиев қатнашди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пул осмондан ёғилмайди

Нафсиламбирини айтганда, нақд пул тушуми кўпларни қийнапти. Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш, муомаласини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг масъулиятини ошириш, иш ҳақи ўз вақтида тўлашишга доир чора-тадбирлар етарли. Вилоятларда бу соҳада фаолият кўрсатаётганлар, деярли ҳар кун турли мажлислар, йиғилишлар ўтказиб, турли-туман комиссиялар ҳам истаганча. Қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар кимларнингдир айби билан тўла равишда ижросини топмаётганлиги ҳам сир эмас. Бугун солиқ ташкилотлари газнага исталган миқдордаги пулни тушира олмапти, эртасига ҳисобварағида маблағи бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам ақалдан ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини бериш учун банклардан пул ололмаптилар... Хуллас, гап кўп-у, нақд пул етарли эмас.

Бу борада бизда бир қатор ўй-фикрлар, мулоҳазалар, таъбир жоиз бўлса, гинау қудрат бор. Базан бепарволигимиз, бепасандлигимиз билан ўз оёғимизга ўзимиз чил бермаётганимиз? Нақд пулнинг етишмаслигига корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, фирмалар, хусусий дўконлар, тадбиркорлар бир қадар айбдор эмасмилар? Бундай дейишимизга айрим асосларимиз бор, албатта.

Қаҳқаларё вилояти Давлат содiқ бошқармаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264- ҳамада 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банклдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-қарорлар ижроси юзасидан Муборак тумани хўжаликлариде текшириш ўтказилди. «Қарлик» жамоа ширкат хўжалигида 1478,1 миң сўм, «Муборак» жамоа ширкат хўжалигида 9875,4 миң сўм, «Гулистон» жамоа ширкат хўжалигида 1698,8 миң сўм нақд пул давлат банкига топширилмасдан, хўжалик раҳбарларининг қўрсатмаси билан турли мақсадлар учун ишла-тиб юборилган. Бир тумандаги уч хўжалик шунча катта миқдордаги пулни давлат хазинасига топширмаганига сира ақл бовар қилмайди. Хуллас, бу хўжаликлардан ишла-тиб юборилган пул миқдориде жарима ундирилди. Энди, ўзингиз ўйлаб кўринг, хўжалик раҳбарлари ўз манфаатларини билан кимга фойда келтирилди-у, кимга зарар етказилди?

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» назоратида

Ўрмонзорлар кенгайди

топириқ ортиги билан бажарилади. Ороннинг қурган туманидан чиқётган захарли қум ва туз зарарчаларининг ҳангога кўтарилишини тўхтатиш, тулроқ эрозиясини олдини олиш, республикамизнинг чўл ҳудудлариде қишлоқ хўжалиги эканларини учун зарур намлигини сақлаш учун ҳар йили 40 миң гектардан ортиқ майдонда ўрмон мелиорация ишлари бажариламоқда. Сақсувдорлар бунёд этилмоқда. Ўрмон фонди ерлариде барпо этилган ўрмонзорларни, шу жумладан, ёғоч-тош дархаздорларни парваришлаш ишлари қарийб 48 миң гектарга, ҳанорларига қарини кураш 23 миң гектарда олиб борилмақда.

Ўрмончилар томонидан қонунбузарликларнинг олдини олиш, бундай нохушликлар содир этилган ҳолатларда келтирилган зарарларни ундирини, аҳоли ўртасида ўрмонларни сақлаш бўйича амалий-ташқилий ва тушунириш ишлари олиб борилмақда.

Барча вилоят ўрмон хўжалик бошқармалари ва ўрмон хўжаликларини раҳбарларига «Қоғозда қолган... терактлар» мақоласини муҳокама қилиб, мавжуд хато-камчиликларини бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

С. ЭРГАШЕВ, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини ўринбосари — Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғи.

Анжуман

Олий таълим ва JFDP дастури

Пойтахтдаги «Шера-тон» мехмонхонасида JFDP дастури битирувчиларининг биринчи Урта Оснэ анжумани ўтказилди. Анжуманда иштирок этган Урта Оснэдаги турли олий ўқув юрталарининг 50 нафарга яқин ўқитувчилари яқинда АҚШда ўшбу дастур бўйича таълим олиб қайтган эдилар.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбет ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ғуломов дастур битирувчиларини ва анжуман иштирокчиларини кутлаб, анжуманинг илмий-амалий аҳамияти тўғрисида, маъмур соҳадаги ютуқлар ҳамда муаммолар борасида сўз юритишди. Шундан сўнг қизғин мунозаралар бошланди.

Анжуман иштирокчилари Урта Оснэда таълим ва таълим, ўсиб келаётган келажак авлодининг ўз-ўзини янгилаш қобилиятини тарбиялаш, олий ўқув юрталари ўқитувчиларининг касбий малакаларини ошириш, олий ўқув юрталарига талов ўтказишнинг адолатли бўлиши ва тест ўтказишдаги муаммолар каби муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Б. РУСТАМОВ.

«Найман»нинг дон хирмони

Хўжалик туманидаги «Найман» ширкат хўжалиги ахли Қорақўллик туманидаги биринчи бўлиб давлатга бўғди сотиб шартнома режасин бажарди. Уртача ҳосилдорлик 29 центнерни ташкил этди. Хали қандайдир қирмаган пайкалар оз эмас. Ҳозиргача ўйланган хирмон 215 тоннадан ошиб кетди.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Биз доимо хушёрмиз!»

Фарғона туманидаги касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган тадбирлар «Хавфсизлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик — мамлакат ва жамиятнинг мустақил демократик ривожланиш шарт» — «Гиеҳвандлик — аср вабоси» мавзуларига бағишланди.

Туман прокурори ёрданчи М.Солиқов, туман мудофиа бўлими бошлигининг ўринбосари Н.Қазоков наркотик-шифокор О.Турғунов ва бошқалар ёшларни қизиқтириш саволларга жавоб бердилар.

Собир ДАДАХУЖАЕВ.



ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ОДАМЛАР

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги 2002 йил 5 декабрдаги Фармони ва шу Фармонни қўллаш тартибига оид Низомнинг ижроси ўларок, Сурхондарё вилояти бўйича ҳам 371 нафар шахс жазони ўташ жойларидан ўз оилалари бағрига қайтишди. Улардан 304 нафари иш билан

тажминлаш масаласида жойлардаги меҳнат бўлимларига мурожаат қилишди. Айни кунларда 212 нафар киши меҳнат фаолиятларини бошлаб юборди. Вилоят кўчмақоридиш марказлари томонидан жазодан озод қилинганларга 112 миллион 377 минг сўм моддий ёрдам пуллари бериш режалаштирилиб, шундан 18 миллион 452 минг 640 сўм бюджетдан молиялаштирилди.

Жазодан озод қилинган даволанишга эҳтижман қилларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилади. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилганлар эътиборисиз қолдирилмапти.

— Жойларда бу ишга озгина эътиборсизлик қилинаётган бўлса, қамчиларнинг вақтида илғаб, уни тузатиш чора-тадбирлари қўрилади, — дейди виллоят прокурорининг катта ёрданчи Музаффар Маматмуродов. — Фармоннинг бекбёс қатта ижтимоий аҳамиятини, маънавий-маъмурни одамлар тушуниб етдилар. Улар энди мустақиллик нури билан йўрилган янги Ватанда, янгича замона яшаётганларини қалбдан ҳис қилмоқдалар.

... Нормирза Сатторов Жарқўрган туманидаги «Сурхон» фермерлар уюшмаси худудидаги «Марказ» маҳалласида яшайди. Созанда. Уч фарзанднинг отаси.

Утган йил 15 апрель куни соат 22 ларда у бошқариб бораётган энгил машина бир фуқарога тан жароҳати етказди. Жароҳат эса ўлимга сабаб бўлди. Қасддан қилинмаган бу ҳодиса юз фоиз тасодиғга боғлиқ жиноят. Жиноятга эса жазо муқаррар. Суддан олдин Нормирзани бир воқеа ларзага солди. Софиқ шўрлар ларзида Худойберди ланган таниши аптоҳдиси тўғрйли бировнинг ҳаётига тасодиған зомин бўлгани. Бу жиноят учун уни суд ети йилга Россиянинг Свердловск шаҳрининг қўнғунчи ташвишларининг, бошинга маламот тушиб қолганда чекадиган дарду ҳасратларининг тушунган, қўриб турган, фуқарони фуқаро деб эмас, фарзандим деб билладиган Юрбюти бошқариб турганда, энди, деб ўйлаганди.

Иўқ, суд жараёнида амнистия қўлланилиб, у қадрдон оиласига, ишига

Юқори малакали банк қадрларини тайёрлаш мамлакатимиз иқтисодийнинг барча соҳалари самарали ишланиши таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боис Ўзбекистон Банклар ассоциацияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири шундай мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тақомил-

лаштириш ҳисобланади. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда республикамизнинг намунали умумтаълим мактабларидан 39 та иқтисодлаштирилган банк синфи ташкил этилган бўлиб, уларнинг 13 таси

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Бундай синфларни очилиши мақсад ўқувчиларнинг маъмур соҳага бўлган қизиқишларини аниқлаш ва уларнинг орасидан иқтисодчиларини танилаб олиб, банк-мо-

ли битирди. Уларнинг кўпчилиги айни пайтда олий ўқув юрталарида ўқиниш давом эттирмоқда.

Яқинда эса Ўзбекистон Банклар ассоциациясида пойтахтимизнинг умумтаълим мактабларидаги банк синфларини битирган аълочи ўқувчиларга сертификатлар топширилди.

Х. КАРИМОВ.

Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалигида ҳам галла ўрми-йғини қизғин давом этмоқда. Бутун иш кучи, техника воситалари мавжуд 420 гектарда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга қаратилган. Ҳар бир гектардан 45-50 центнердан дон олинмоқда. Хўжалик аъзолари қайта ишлаш корхонасига 1628 тонна галла топшириш учун сафарбарликни бир зум ҳам сусайтиришгани йўқ.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари муовини ўринбосар Мамбетов ва бош пудратчи Мавлон Аширалиев.

Даврон АҲМАД олган сурат.

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кун

Кўзингни оч, эй инсон!

Гиеҳвандлик — инсониятга таҳдид солаётган иллат. Одам-зод унга қарши асрлар давомида курашиб келишига қарамай, у янги асрда ҳам илдини билан йўқотиш лозим бўлган муаммолар қаторида турибди. Албатта, бу иллатнинг жисмоний ва маънавий зарарлари ҳақида жаҳон оммавий ахборот воситаларида, турли йиғилишлари тадбирларида кўп гапирилади. Гиеҳвандликка қарши кураш мақсадида қўллаб маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилган. Аммо муаммо ҳануз бартараф қилинганча йўқ. Ҳатто, унга эрқагу айлар баробар мубтало бўлаётгани кузатишмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда ер юзиде гиеҳвандлик касаллигига чалинганларнинг сони 200 миллион кишидан ошиб кетди. Уларнинг, тахминан, 142 миллиони марихуана, 30,5 миллиони синтетик наркотиклар, 13,4 миллиони кокаин ва 8,5 миллиондан кўпроги героин истеъмол қилишди.

Давиллар билан бирга наркотикларнинг инсон танасига таъсирини ҳам эслаб ўтиш ўринли. Гиеҳванд модда оғиз, бурун ёки инъекция орқали одам танасига тушган, бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Унинг асаб тизимига таъсири оқибатида руҳиятнинг ўзгариши, қўриш, эшитиш, сезиш каби хусусиятларнинг сусайиши ёки беқарорлашишига олиб келади. Наркотик модда истеъмол қилган киши ўзининг хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайд.

Гиеҳванд модданинг танала бундай кескин ўзгаришларга олиб келиши асоратсиз қолмайди, албатта. Унга ружу қўйган тананинг юрак-қон томир тизимида салбий ҳолатлар юзага келади. Жигар ҳужайралари шикастлана боради. Натижда жигар циррозига олиб келиши мумкин. Унинг яна бир қўрқинчли томони, гиеҳвандларда ухлай олмастик, ҳолсизланиш, иштаҳасизлик, қўз қизариши, томилар бўртиши ва аъзои баланнинг қасқаб оғриши кузатилади.

Гиеҳвандликнинг жамиятга зарари беҳад кўп. Гиеҳвандлар атроф-муҳитга бефарқ бўлиб, аста-секин жамиятдан ташқарига чиқиб қолади. Унинг обрў-эътибори, жамиятгаги ўрни йўқолади. Гиеҳвандлик жиноятчиликнинг ўсишига олиб келиши эса барчамизга маълум.

Инсоният бу оғуа қарши кенг қўламли кураш олиб борди ва бу кураш давом этмоқда. Утган асрнинг иккинчи ярмидан кейин баъзи давлатлар наркотик моддаларни истеъмол қилишни либераллаштириш (эркинлаштириш) ташаббуси билан чиқди. Швеция ҳукумати 1965-1967 йилларда мамлакатда наркотик моддаларнинг энгил турлари (масалан, марихуана)ни эркин сотиш бўйича эксперимент ўтказди. Натижда гиеҳвандлар сони икки баробарга кўпайиши ва наркотик моддалар туфайли ўлганлар сонининг ўсиши кузатилиди. Голландияда 1984-1988 йилларда ана шундай тажрибалир 15 ёшдан катталар ичида гиеҳвандлик касаллигининг икки баробар, 1988-1992 йилларда 12-13 ёшли ўсмирлар ичида уч баробар кўпайганини кўрсатди.

Айни пайтда ҳам бу иллатга қарши самарали курашни йўлида изланишлар давом этмоқда. Айтиш жоизки, гиеҳвандликнинг илдини билан қуритишга профилактика ва тарғибот ишлари фойдали эканлиги аниқ. Бу ишларнинг ёшлар орасида олиб борилиши бутунги куннинг долзарб масалаларидан бири. Чунки гиеҳвандликнинг ёшлар ўртасида тарқалиши, айнаикса, таҳдидкидир.

Мамлакатимизда ҳам бошқа давлатлардаги сингари гиеҳвандлик муаммоси мавжуд. Шунинг учун ҳам бу қора иллатга қарши курашни янада кучайтириш бутунги кун талаби. Гиеҳвандликнинг оиламига, жамиятимизга ҳуружнинг олдини олиш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, ўз уйимизда, маҳалласида ва бошқа жойларда унга қарши курашни фаоллаштиришимиз зарур.

Инсон ҳаёти — энг олий неъмат. Уни гиеҳ «қули» га айлан-тирувчи ва шахс эркинлигининг топталишига олиб келувчи «аждаҳо домидан» асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пул осмондан ёғилмайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир ҳафта мобайнида тумандаги нақд пулда савдо-сотик қиладиган бир қатор хўжалик юритуви субъектларининг мониторинги ўтказилди. Ана шу кунларда ҳар кун нақд пул тушуми бошқа кунлардаги қараганда 1582,2 минг сўмга ошди. Мониторинг тугали-ю, ахвол яна эски ҳолига қайтди. Қўриб турилган, туманда нақд пул тушуми ошириш имкониятлари бор. Бунинг учун корхона раҳбарларида масъулият етиштирилади. Улар «Ўзим чиққан тепа омон бўлсин» қабилида иш тутиб, кўпроқ давлат банкига эмас, ўз киссаларига тушадиган нақд пулни ўйлайдилар.

Мамлакатимизда тадбиркорларга катта ишонч билан қаралапти. Уларга ҳамма имкониятлар яратиб берилмоқда. Лекин айрим тадбиркорлар ана шу ишончнинг оқламай, уни суиистеъмол қилаётир. Биргина мисол. Китоб туманидаги хусусий тадбиркор Фуркат Умаров савдо-сотикдан тушган 550 миллион сўмини банка

топширмаган. Бу биргина тадбиркорнинг чиғириқдан ташқари қилиги. Афсуски, яратиб берилган имкониятлардан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланаётган бундай тадбиркорлар оз эмас.

Чироқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 89 субъектда текшириш ўтказишди. Надоматлар бўлиниги, барча ҳолатларда ҳам нақд пулни яшириш ҳолатларига дуч келинди. «Рустамбек» хусусий савдо фирмаси ўтган йил давомида 98400 минг сўм нақд пулни банк муассасаларига топширмаган. Жорий йилнинг ўтган ойларида ҳам савдо пулидан 5285,8 минг сўм банка топширилмасдан бошқа мақсадлар учун ишлатилиб юборилган.

Хўш, фирма раҳбари Каромат Бобоева бу қонунбузарлик эканини билмасмиди? Биларди. Фақат унга амал қилишни истамади.

Тумандаги «Парда ота» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда 5766,4 минг сўм, «Бешчашма» хўжалигида ижарачилардан

рига 6308,2 миллион сўм нақд пул тушган бўлса, қўрилган тадбирлар натижасида апрель ойида бу рақам 7880,4 миллион сўмни ташкил этди. Апрель ойининг ўн тўрт куниде банка 2178,5 миллион сўм туширилган бўлса, май ойининг шу даврида топширилган нақд пул миқдори 3078,8 миллион сўмга етказилди.

Нақд пул осмондан ёғилмайди. Унинг миқдорини кўпайтириш эса кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун изланиш, иштиёқ, мавжуд имконият ва ички захираларни ишга солмоқ зарур. Биз бу борадаги баъзи кичик имкониятларни қаламга олдик ҳолос. Эҳ-ҳе, улар истаганча топилади. Бу борада биргина солиқ ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари етарли эмас. Иқтисодиётга алоқадор барча мутасадди ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, билдимдон мутахассислари чинакам фидойилик билан жон куйдиришлари зарур. Шундангина ҳазинамиз мустаҳкам, қўлимиз узун бўлади. Банклар олдида навбатда турганлар сонги камайд, миқодлар олдида банкларнинг юзи шувит бўлмайди.

Яқин Шарқ:

ТИНЧЛИК УЧУН ЙЎЛ

Бугун дунёнинг энг долзарб муаммосига айланган ва минглаб инсонларнинг ҳаёт-мамотига боғлиқ бўлган бу можаро ҳақида барчамиз эшитганмиз. Аммо унинг тақдир қилишида ҳаммадан айнақисса, журналистлардан қатъий ҳолилик талаб этиладики, бу объективлиқни аксарият ОАВдан топиш мумкин. Яқин Шарқ муаммоси ҳақида ёзаётган, гапирётган ва кўрсатаётган даяроли барча газеталар, радио ва телеканаллар унга ўз шахсий, худудий, диний ва миллий нуқтани назари билан ёндашмоқда. Мазкур мақолада биз имкон қадар ҳолисликка эришишга ҳаракат қилдик ва воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича ўқувчиларнинг ҳуқуқига ҳавола қилаямиз.

Неча даврлардан буюн жаңлар бўлаётган бу худуд у қадар катта эмас – майдони 16 минг кв.км. Минтақа гарбда Урта ер денгизи, шарқда Иордан дарёси ва Иордания, шимол-гарбда Сурия, жанубда Миср, шимолда Ливан билан чегарадош (харитага қараган). Худуднинг 78 фоизи Исроил ва қолган қисми Фаластин қўли остидадир. Бу ердаги можароларнинг бош географик объектлари сифатида бутун худуд, Қуддус (Иерусалим) шаҳри, Ҳазо сектори, Иордан дарёсининг гарбий соҳили ва Иордан дарёсининг ўзини айтиш мумкин. Можаронинг туб моҳиятига тушуниб етиш учун, аввало, унинг тарихига назар солиш жоиз. Зеро, бу низо инсоният яшаб ўтган Иккинчи минг йилликдаги энг узоқ давом этган урушдир.

Халқаро ҳаёт

Минг йиллик можаро

Тарихий манбаёларга кўра, бу ерларга инсонлар миоллодан аввалги 1300 йилларда ўрнаша бошлаганлар. Мил.ав. биринчи минг йилликка келиб, минтақада илк давлатлар ташкил топди. Айни пайтда этник жиҳатдан арабларга яқин бўлган ҳозирги фаластинликларнинг аجدодлари ва аждийларнинг миллий этнос сифатидаги ривожланиш жараёни бошланди. Асрлар давомида бу ерлар Вавилон подшолиги, форслар, Искандар Зулқарнайн империяси, сурияликлар, Рим империяси томонидан босиб олинган. Милодий VI-VII асрларда Исроил динининг юзага келиши ва мусулмонларнинг кенг қўламада ҳужум қилиши бундан худуд иккига бўлинди. Уш навбатда, диний жиҳатдан ҳам аждийлар, ҳам мусулмонлар учун муқаддас шаҳар бўлиши Қуддус ҳам икки қисмга ажратилди. Орандан ўтган асрлар давомида бу ер аҳолиси бўлиши араблар (ҳозирги фаластин фуқаролари) кўпайиб, аждийларни сиқиб чиқаради ва улар бутун Европа бўйлаб тарқалиб кетишга мажбур бўлишди. XIX асрга келиб минтақада Британия мустамакочилиги аниқланган. Биринчи жаҳон уруши якунидаги арафасида – 1917 йил 2 ноябрда Британия Кириллинг Балфор Декларациясини қабул қилди ва юз мингдан ортиқ аждийлар Фаластин ерларига кириб келди. Йиллар ўттиши билан улар ўз мустақилликлари учун кураш олиб борди ва 1948 йил 15 майга келиб қаттиқ жанглар натижасида Исроил давлати ташкил топди. Британия мустамакочилирини қилиб кетса-да, энди сиқилган аждийлар – фаластинликларнинг ҳимоя қилиш учун Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Саудия Арабистони каби араб давлатлари Исроилни қарши уруш эълон қилди. 1949 йил 3 апрелда Исроил ва араб давлатлари ўртасида тинчлик ўрнатилди. Аммо Ҳазо минтақаси Миср юрисдикциясида ўтди.

1956 йилга келиб, Миср Сувайш каналини эгиб қўйди ва Исроил фуқаролари сув таъминлигига дуч келди. Сув муаммоси мазкур минтақанинг энг долзарб масалаларидандир. Бу ер одамлари асосан Урта Ер денгизи, Иордан дарёси ва Сувайш каналидан фойдаланадилар. Бирок аҳоли жуда зич бўлганлиги боис сув етишмайди. Бир қанча уринишлар ва музокаралардан сўнг 1956 йил 29 октябрда исроилликлар ҳам Сувайш каналидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. 1967 йил Миср Президентини Жамод Абду Носир қарори билан қанал эгиб қўйилди ва Ҳазо сектори яна сув муаммосига дуч келди. Уш йилнинг 5 июнида Исроил тарихига *Олти кунлик уруш* номи билан кирган жаңлар натижасида Миср, Иордания ва Сурияни енгилди ҳамда Ҳазо сектори, Гарбий соҳил ва Голдан тепаликларини ўз қўли остига ўтказди. Худудда ўз марказини тиклаб олган Исроил Фаластин аждийларни зулум ўтказса бошлайди ва фаластинликлар унга қарши террор билан кураш эълон қилди. 1964 йил майда Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) вужудга келди ва мақсади Исроил давлатини террор ёрдамида йўқ қилиш эканлигини расман эълон қилди. Шу тарихий низо йилдан-йил таранглишиб борди. Исроил Фаластинга қарши қатагонларни, Фаластин террористик ташкилотлари эса Исроил фуқароларига нисбатан кўпурчиликларни тўхтатмадилар. Ниҳоят, 1993 йилга келиб, жаҳон ҳамжамиятининг аралашуви билан Осло Декларацияси имзоланиб, БМТнинг 242-резолуцияси қабул қилинди. Унга кўра, ФОТ исроилликларнинг тинч яшаш ҳуқуқини тан олди, Исроил эса фаластинликларга Гарбий соҳил ва Ҳазо секторига киришга рухсат берди. Айни шу пайтга келиб, Фаластин мухторияти ташкил топди. Бирок иккала томон ўртасидаги тўқнашувлар тинмади. 2000 йил сентябрда келиб, Ариел Шарон бошчили-

тида Исроил қўшинлари мусулмонларнинг муқаддас шаҳри Ал-Ақсога кириб келганидан сўнг террорчилик ҳуружлари "Интифоода" ("Қаршилик") номи остида яна аж олди. Бу шаҳар Қуддуснинг бир қисми бўлиб, можаронинг ишқалли нуқталаридан бири ҳам шу жойдир. Қуддус БМТ қарори билан икки томонга бўлиб берилган ва унинг ўнг томони



Яқин Шарқ харитаси

Ҳазо сектори ва Иордан дарёсининг гарбий соҳили 1967 ва 1973 йиллардаги урушдан сўнг Исроил қўли остига ўтган. Айни пайтда энг зиддият можаролар мана шу худудлар бўйича юзага келмоқда. Бу борада БМТнинг 242, 338-резолуциялари қабул қилинган, аммо унга иккала тараф ҳам етарлича амал қилмади.

Қуддус (Иерусалим) Исроил ҳукумати жойлашган шаҳар. Фаластинликлар ҳам бу шаҳар давлатининг пойтахти ва шу шаҳар бўлишини талаб қилмоқда. Энг асосий зиддият мазкур масалада юзага келган. Айни пайтда шаҳарда исроилликлар ҳам фаластинликлар ҳам истиқомат қилади.

ни қисқартириш, барча халқаро, инсонпарварлик ёрдамларининг мамлакатга эркин кириб бориши таъминланди.

Исроил томони эса "Мустақил, суверен Фаластин мухторияти"нинг дахлсизлигини тан олди; 2001 йил март ойидан буюн амалга оширилган барча мустамлакаларни овоз қилиш ва бу ҳаракатларни тўхтатиш; 2000 йил 28 сентябрда қайта эғаллаб олинган ҳудудлардан чиқиб кетиш; Фаластин фуқароларига ҳужум қилмаслик эши унинг мулкларини ваёрон қилмаслик таъминлигида қатъий туриш; инсонпарварлик ҳақида бошқа халқаро талабларни бажариш, жумладан, комедант соатларини қисқартириш, барча халқаро, инсонпарварлик ёрдамларининг мамлакатга эркин кириб боришини таъминлаш каби мажбуриятларни оладилар.

Иккинчи босқич

2003 йил декабрь ойида ниҳоят етилган бу босқичда қўйилган амалга оширилиши назарда тутилган: махсус халқаро конференция ташкил этилиб, унда Фаластиннинг таъминий чегаралари белгиланади ва бу борада Исроил-Фаластин ўртасида келишувга эришилади; Исроил Фаластинга "имкони борича каттарок ҳудудий фойдалар"ни қайтариб бериши; Фаластин конституцияси ишқалли чиқилди ва қабул қилинади; Фаластиннинг "халқаро тан олинган ҳукумати" тузилади; араб давлатлари Исроил билан тенг ва дўстона алоқаларини тиклайди; минтақадаги сув ресурслари, иқтисодий ривожланиш ва қочқоқлар масаласида кўп томонлама халқаро ҳамкорлик бошланади.

Тинчлик

2005 йил охиригача "Йул харитаси" лойиҳаси ўз ниҳоясига етказилиши белгиланган. Унинг сўнгги босқичида навбатдаги халқаро конференция ташкил этилиб, бу йилги қўйилган масалаларда ўзаро келишувга эришиш баён этилган: мустақил Фаластин давлатининг чегаралари таъминланади; Қуддус шаҳрининг "иккала томоннинг ҳам сиёсий ва диний маркази" ҳамда "дунёнинг мусулмонлари, насронийлари ва аждийлари учун бирдек муқаддас шаҳар" сифатидаги мақоми таъминланади; қочқоқлар муаммоси ўзаро келишувга, муқаммал, дўстона ва реал тарзда ҳал этилади; Гарбий соҳилдаги 200 миңга яқин, Ҳазо секторидан ундан кўпроқ соғли исроилликлар тақдирини ҳал этилади.

Бош ролларда

"Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун йўл харитаси" лойиҳасини амалга оширишда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий йўлбошчилар сифатида қўйилганлар тилга олинмоқда:

Жорж Буш – АҚШ Президенти. У ўзининг сайловли дастурида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш режасини ҳам илгари сурган эди. "Йул харитаси"нинг асосий муаллифларидан бири бўлган Буш мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширишда қатъий туражини маълум қилди.

Ариел Шарон – 2001 йил февралда бўлиб ўтган махсус сайловларда Еҳуд Барак устидан ғолиб чиқди ва икки партия (ўзининг Ликуд блоки ва Ишчилар партияси) вакилларини ўзидан бирлаштирган коалиция ҳукуматини тўзди. 2002 йил охирида Ишчилар партияси истеъфоси натижасида соқир бўлган Буш ҳукумат инқирозидан кейин, 2003 йил январда ғолиб ўтган қайта сайловларда ғолиб чиққан.

Махмуд Аббос (Абу Мозин номи билан ҳам машҳур) – 1935 йилда Сафад қишлоғида тавалуд топган. Фаластин бош вазири, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатнинг бош ҳарбий қўмондони бўлган, Фаластин ижроия ҳокимияти бошлиғи. Кўп йиллар тинчлик музокараларида иштирок этган, қўқорида тилга олинган 1993 йилги Осло келишувидан катта муваффақиятга эришган, Фаластиннинг соқиб Иттифоқдаги элчиси бўлган. Халқаро ҳамжамиятнинг босими билан Ёсир Арофат уни бош вазир этиб тайинлади ва Аббос янги ҳукуматни шакллантирди. Унинг ҳукумати Фаластин парламенти томонидан тан олинган.

Жараён

Шу тарихда, тинчлик ўрнатиш жараёни бошланди. Иорданияда махсус саммит ташкил этилиб, илк марта Исроил ҳамда Фаластин бош вазилари АҚШ Президенти Жорж Буш иштирокида учрашдилар. Саммитда Фаластин бош вазири "интифоода" бутунлай тўхтатилишига ваъда берди. Бирок, унинг бу ҳаракати Фаластин террорчи ташкилотлари вакилларига ёқмади. Шундан сўнг Махмуд Аббос Фаластиндаги энг таъсирли урта кўрланган ташкилотлар – *Ҳамас, Ислам эъҳоди ва Ақсо фидокарлар бригадаси* билан кенг қўламадаги музокараларни бошлади. Аммо ўтган ҳафта Гарбий соҳилдаги Атилл қишлоғида Ҳамас ташкилоти (1987 йил ташкил топганнинг 2 вакили Исроил ҳарбийлари томонидан ўлдирилган, Ҳамас раҳбари Абдул Азиз Рантизий музокаралар тўхтатилишини маълум қилди. Фаластин ҳукумати вакили Зияд Абу Амр журналистларга "Биз Ҳамасдан яқиний сўзни олмадик, бирок икки жангарининг ўлдирилиши музокараларга қаттиқ халақат бериши мумкин", деб баёнот берди. Кўп ўтмай Рантизий Исроил қўшинлари билан юз берган тўқнашуларда қаттиқ жерланди. Ҳозирги кунга келиб, Фаластин бош вазири Махмуд Аббос жуда мураккаб аҳволда қолган. "Йул харитаси" ташаббускорлари бўлиши тўғрлиқ вакиллари ўзаро келишган тўқнашулардан роғт афсусланди. Тинчлик жараёнини давом эттиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилган АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл кунга кеча Иорданияда ўтказилган Дунё иқтисодий форумида бу борада фикр билдирди. «Нима бўлган тақдирда ҳам биз барибир олдинги интилишимиз кезрак», деб баёнот берди. Туртлик вакиллари ўзаро келишган ҳолда Ҳазо секториданги халқсизлик назоратини Исроил қўлидан Фаластин мухториятига ўтказиш борасида ҳам музокараларни бошламоқда. Бирок бу Ҳамас ташкилотининг бир оз тинчланишига сабаб бўлса-да, Фаластиннинг бошқа террорчи ташкилотлари ҳамон Исроилга нисбатан душман кайфиятини сақлаб туришибди. Буларнинг барчасига қарамай, тинчлик бўлиши асосий сарбондари бўлиши иккала давлат бош вазиларини ҳам жараён тўхтатиладиганини, улар ўз ниятларида қатъий туришларини маълум қилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, "Йул харитаси" жуда катта қийинчиликлар билан бўлса-да, аста-секин ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Зотан, доншманда мутафаккирлардан бири айтганидек, "Тинчлик олиб борувиш йўл йўқ. Тинчликнинг ўзи йўлдир". Бу ҳақиқатин эди Исроил аҳли ҳам, Фаластин аҳли ҳам тушуниб етди, чоғи.

Ботиржон ҒОҒУРОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
2003/2004 ўқув йили учун давлат грантлари ва тўлов-контрактлари асосида қўйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

БАКАЛАВРИАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ
Кундузги бўлимга
Касб таълими: агромуҳандислик; электр энергетикаси (тармоқлар бўйича); ер тузиши ва ер кадастри; сув хўжалиги ва мелиорация; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); маркетинг (тармоқлар бўйича); бухгалтерия ҳисоби ва аудит (соҳалар бўйича); электр энергетикаси (тармоқлар бўйича); гидроэнергетика; энергияни тежовчи электротехника тизимлари ва комплекслари; автоматлаштириш ва бошқарув; агроинженерия; сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш; фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга техник сервис кўрсатиш; бинолар ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича); ер тузиш ва ер кадастри; геодезия, картография ва кадастр; атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича); экология ва табиатдан фойдаланиш; ҳаётий фаолият хавфсизлиги.

СИРТҚИ БЎЛИМГА
Касб таълими: агромуҳандислик; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); электр энергетикаси (тармоқлар бўйича); агроинженерия; сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш; фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга техник сервис кўрсатиш; ер тузиш ва ер кадастри; атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича); экология ва табиатдан фойдаланиш; ҳаётий фаолият хавфсизлиги.

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ
Кундузги бўлимга
Тармоқлар иқтисодиёти; бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); маркетинг (соҳалар бўйича); электр таъминоти (тармоқлар бўйича); ўрта ва кичик ГЭСлардан фойдаланиш; машина ва механизмлар назарияси; гидравлик машиналар ва гидроневмоагрегатлар; деҳқончиликни механизациялаш; чорвачиликни механизациялаш; қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни механизациялаш; яйлов ва ўрмон яйлов хўжалиқларини механизациялаш; касб-хўнар фанларини ўқитиш методикаси (агроинженерия); технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича); қишлоқ хўжалигида электр ускуналаридан фойдаланиш; гидромегиорация; мелиорация, рекултивация ва ерлар муҳофазаси; гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш; сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси; мелиорация ва сўғориладиган ерлар деҳқончилиги; сув кадастри; гидротехника ва мелиоратив қурилиши; селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари; гидроэлектростанция иншоотлари ва бинолари; фермер хўжалигини ташкил этиш; фермер хўжалиги инженерлик иншоотлари; фермер хўжалиги техникавий сервис; ер тузиш ва ер кадастри; атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича); гидротехника иншоотлари.

Институтга кириш истагида бўлганлар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:
• ректор номига ариза;
• маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
• 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
• 086 У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар 2003 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича консултациялар 2003 йил 26 июндан 26 июлгача ўтказилади.
Бакалавриатура йўналишлари учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуриндаги Давлат тест маркази томонидан бакалавриатура йўналишларининг кундузги ва сиртки бўлимларига 2003 йил 1 август куни ўтказилади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ
Бакалаврият учун:
Иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича:
математика, чет тили, она тили ва адабиёт фанларидан топширилади.
Экология ва табиатдан фойдаланиш йўналиши бўйича:
биология, химия, она тили ва адабиёт фанларидан топширилади.

Қолган йўналишлар бўйича:
математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан топширилади.
Магистратура учун:
демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари ҳамда мутахассислик фанларидан ўтказилади.
Имтиҳонлар 2003 йил 1 августдан 10 августгача ўтказилади.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Институт манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Кори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.
Маълумотлар олиш учун телефон: 137-09-75.

«Халқ банки» омонатчилари диққатига!
Қўшимча равишда «ОМАД» ютуқли омонат тури бўйича 14-тираж 2003 йил июль ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилишини маълум қиламиз.
Омонатчилар «ОМАД» ютуқли омонатларини «Халқ банки»нинг хоҳлаган бошқа омонатларига қайта расмийлаштиришлари мумкин.
Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
173-69-15, 173-69-19 (ички: 126, 109, 111).

